Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 16 март. СЕШАНБА, № 16 (5.972). Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ: АБАДИЙ ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 март куни Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланиши арафасида Тошкент аэропортида ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда бўлди.

Туркия Жумҳурияти Президентининг мамлакатимизга ташрифига доир саволга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон ва Туркиянинг иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кутилганидек, тез ва самарали ривожланиб бораётир. Расмий ташриф доирасида Самарқанд шаҳрида тақдимот маросими ўтказиладиган, яъни қиймати олтмиш беш миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Самкочавто» қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ўсишига, кўпчиликни иш билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу корхона тула қувват билан ишга тушганидан сўнг, йилига беш минг донадан зиёд автобус ва турли русумдаги юк машиналари ишлаб чиқарилади.

Мен бугун яна бир ҳужжатга имзо чекдим, — энди Самарқанддаги «Сино» музлатгичлари ишлаб чиқарадиган завод ҳам туркиялик шериклар билан ҳамкорликда қайта жиҳозланади. Ташриф чоғида бўлиб ўтадиган музокаралар жараёнида иқтисодий ҳамкорлигимизнинг бошқа қирраларини ҳам муҳокама этамиз, бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Туркия жумҳурияти ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик масалаларига тўхталар экан, дунёда ва, хусусан, минтақамизда тинчлик ҳамда барқарорликнинг сақланишида Туркиянинг алоҳида ўрни борлигини қайд этди. Мен шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, деди жумладан Президент Ислом Каримов, Туркия катта салоҳиятга эга давлатдир. Шу боис юртимизда, минтақамизда тинчликни сақлаш борасида Туркия салоҳиятидан фойдаланиш масаласи ҳам музокаралар мавзуларидан бири бўлади. Жуда кўп сиёсий масалаларда биз Туркия билан ҳамфикрмиз, деди Президент, бир қанча масалаларга қарашларимизда эса яқин ва ўхшаш жиҳатлар бор.

Мамлакатимиз раҳбари 16 февралда Тошкентда юз берган воқеаларга тўхталиб, Туркия ҳам террорчилар хуружларидан азият чекаётганини айтди. Куни кеча Истамбулдаги йирик савдо марказларидан бирида уюштирилган террорчилик ҳаракати ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шу боис бундай масалаларда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан ҳар икки томон бирдек манфаат топиши тайин.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл ўтирган самолёт Тошкент аэропортига қўнди. Олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

«Дурмон» қароргоҳида Туркия Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросим ниҳоясига етгач, икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволига доир қатор масалаларни кўриб чиқдилар. Томонларни қизиқтирган халқаро аҳамиятга молик муаммолар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Президентларнинг яккама-якка суҳбатида террорчилик, уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Президентлар иштирокида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Туркия муносабатларига тўхталар экан, бу



борада Ўзбекистон устувор деб қарайдиган соҳалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, сиёсий томондан муносабатларимизни ҳозиргидек юқори даражада сақлаб туриш ва давом эттириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳамжиҳатлик биз учун жуда муҳим, деди давлатимиз раҳбари.

Ислом Каримов Ўзбекистон Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашини, Боку-Жайҳон магистрали, тезроқ ишга тушиши тарафдори эканлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон, айниқса, Туркиянинг террорчиликка қарши юритаётган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашини айтар экан, бу борада у мамлакатимизга ҳам ёрдам кўрсатишига умид билдирди. Сулаймон Демирэл Туркия зарур бўлганда, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди.

Иқтисодий муносабатлар хусусида сўз кетганда, айтиш жоизки, Туркия Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади. Бироқ, ҳозирги даражадаги алоқалар мақтовга лойиқ бўлса-да, ҳали ишга солинмаган имкониятлар, шерикликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистон бу имкониятларни тўлароқ ишга солиш тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 275 миллионга етди. Самарқандда очилиш маросими ўтказилиши мўлжалланаётган «Самкочавто» қўшма корхонаси иқтисодий ҳамкорлик юқори поғонада эканини яна бир бор тасдиқлайди. Умуман, Туркия Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган мамлакат ҳисобланади. Лекин, шундай бўлса-да, кўпроқ эътибор қаратадиган айрим жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг фаолияти сўнгги пайтларда бир оз сусайди. Музокараларда бундай масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокараларда транспорт коммуникацияси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ислом Каримов Ўзбекистон Туркиянинг эркин иқтисодий зоналарида жойлашган Истанбул, Трабзон, Адана, Мерсин каби шаҳарларидаги портлардан, омборлардан фойдаланиш тарафдори эканини ва бу масала бўйича музокаралар бошлашга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун янада кенг имкониятлар очишини таъкидлаб, бу борада Туркиянинг мамлакатимизни қўллаб-қувватлашига умид билдирди.

Шунингдек, музокараларда илм-фан, маданият, таълим соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркияга расмий ташриф буюришга таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлган музокаралар юзасидан қўшма баёнотга имзо чекдилар.

Шундан сўнг матбуот анжумани бўлди. Президентлар яккама-якка суҳбат ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида кўрилган масалалар хусусида сўзлади. Ислом Каримов юзма-юз суҳбат чоғида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан нуқтаи назарлар яқин ёки муштарак эканини маълум қилди.

С. Демирэл 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеа муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Бу хатти-ҳаракатлар халқни саросимага солиб, юртдаги барқарорликка раҳна етказишга қаратилган эди. Лекин, Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслиги равшан. Биз бу йўлда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Ўзбекистон учун энг яқин дўст Туркия давлати ва турк халқидир, деди у.

Ислом Каримов мазкур фожеа хусусида берилган саволга жавоб қайтарар экан, аввало, Ўзбекистон мустақилликка эришган илк даврдаёқ Туркия унинг учун энг яқин, елкадош мамлакат бўлганини таъкидлади ва қардош давлатнинг исталган пайтда ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигидан мамнуният изҳор этди. Айни чоғда 16 февраль кунги воқеалар юзасидан қидирув-терговишлари давом этаётганини таъкидлади.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл шарафига қабул маросими уюштирилди. Тадбир ниҳоясида С. Демирэл мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туркиялик ишбилармонлар билан учрашди. Мулоқот чоғида турк ҳамкорларининг Ўзбекистонда амалга ошираётган ишлари, янги лойиҳалар тузиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари хусусида сўз борди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Мусулмон НАМОЗОВ,**
**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

---

«ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА»

## ТАХМИНЛАРГА АСОС ЙЎҚ

1999 йилнинг 16 февралида содир этилган мудҳиш воқеалар сабабчилари қўпорувчилик билан шуғулланувчи ғаламис кимсалар эканлиги шубҳасиз. Улар ўзларининг пасткашлиги билан миллионлаб ватандошларимизнинг қалбига ғулғула солиш ниятида бўлганлиги аниқ. Лекин бузғунчиларнинг хом хаёллари бугун лаънатга учрамоқда. Биз ҳеч қачон бундай қабиҳликка борилади, деб асло ўйламаган эдик. Эндиликда бардошли ва қон-қардошли кўп миллатли халқимиз бундай ёвузликнинг моҳиятини теран англаб олаётганлиги, қўлни-қўлга бериб адолатпарвар Президентимиз айтганидай огоҳ бўлишга, ҳаётда доим ҳушёр бўлиб жипслашишга ҳаракат қиляпти. Биз биламизки, ҳар кимки ёмонлик қилса, ғаламислик ниятида бўлса сўзсиз жазо топқусидир!

Тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиб, йўлбошчимизга ҳамиша ишончли қанот бўлиш, ҳар қачон унинг адолатли ишларини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Президентимизни аждодларимизнинг ҳамиша уйғоқ руҳлари асрашига ишонамиз. Чунки юрт ишқида ёнаётган адолатпарвар бу инсон авлодлар юрагидан аллақачон жой олган.

Истиқлолимиз ва халқимиз осойишталиги йўлида керак бўлса жонимни ҳам беришга тайёрман, дейди юртбошимиз ҳар бир сўзида. Президентимизнинг жасорат ва қатъият билан тўлиб-тошиб сўзлаган сўзи барчамизни руҳлантирмоқда.

Баъзи бир чет эл матбуотида мухолиф кучларнинг вакиллари 16 февраль воқеаларидан кейин Ўзбекистоннинг ислом дини сиёсатида ўзгаришлар бўлади, деб башорат қилмоқдалар. Лекин бундай тахминларга ҳеч қандай асос йўқ. Ушбу масала юзасидан яқинда Президентимиз «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳам ўзларининг қатъий нуқтаи назарларини билдирдилар: «... биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз». Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари халқимизнинг юрагидаги, қалбидаги гаплардир.

**Баҳодир ТОЖИБОЕВ,**
**қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўқув-услубиёт маркази раҳбари.**
**Ережепбой МАДЕНОВ,**
**марказ ходими.**

---

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Мустақил республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, нурафшон келажак сари дадил одимлаётган халқимиз эришаётган муваффақиятларни кўролмаётган қора ниятли кучларнинг қилмишларидан юртимизда ғазабланмаган одам қолмади.

Юртбошимизнинг инсонпарварлик сиёсати туфайли муаммолар моҳирона ҳал этилмоқда. Осойишта ҳаёт кечиришнинг бош омили меҳнатдир. Шу боис мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимиз куч-қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшишимиз фарздир. Халқимизнинг бирдамлиги, жипслиги қанча мустаҳкам бўлса, уни ҳеч қандай куч енголмайди. Рўй берган мудҳиш воқеалар ҳар биримизни ҳушёр ва сергак бўлишга даъват этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сарлавҳаси остида «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида ҳам, ўша машъум кўргулик муносабати билан ойнаи жаҳон орқали халқимизга қилган мурожаатларида ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз деган қатъий фикрни билдирганлар. Бу гаплар кўнглимизни янада кўтарди. Чунки келажагимиз ёшлар қўлида. Шу боис уларнинг тарбияси билан фақат ўзимиз шуғулланмоғимиз зарур. Шунда иқтисодий, маънавий юксалишимиз янада ривожланиб, ютуқларимиз салмоқли бўлаверади.

Ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишига, маънавиятини, дунё қарашини бойитишга, уларни келажакда маърифатли фарзандлар бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшиш биз катталарнинг муқаддас бурчидир.

**Шарофатхон ЮСУПОВА,**
**Чортоқ туманидаги «Чортоқ» жамоа хўжалиги бригадири, Қаҳрамон она.**

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарор қилади:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 1999 йил 14 апрелда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 15 март.

* * *

Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишда.
2. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишда.
3. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси янги таҳрирда, иккинчи ўқишда.
4. «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
5. «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишда.
6. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишда.
7. «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
8. «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишда.
9. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетининг биринчи кварталдаги ижроси тўғрисида ахборот.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисида.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бирга Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

---

## НАВРЎЗ НАФАСИ

Мустақил Ўзбекистонимиз ўз заминида энг қадимий ва севимли байрам — Наврўзни нишонлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Шу баҳор кунларида республикамиз аҳолиси ўз хонадонларини, кўчалари ва гузарларини, қишлоқлари ва шаҳарларини байрамни муносиб кутиб олишга тайёрлаш учун ҳар соатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани аҳолиси ҳам бу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Иккита шаҳарча ва саккизта қишлоқ кенгашлари, ўн беш хўжалик баҳор байрамини тозалик ва кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдириш билан қаршиламоқда, шу боис туман кун сайин чирой очмоқда.

Байрам тараддудида ҳокимликнинг маданият ишлари бўлими ҳам фаол иштирок этмоқда. Мусиқий дасталар, бадиий жамоалар, ёш ҳаваскорлар катта байрам дастурини тайёрлашмоқда.

Туман ҳокимлиги қарорига мувофиқ Наврўз байрами кунида уч юз камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга ва якка яшовчи қарияларга моддий ёрдам берилади.

Шу куни эндиликда анъанага айланган суннат тўйлари бўлади. Оммавий байрам сайллари катта спорт томошаси билан ниҳоясига етади. «Халқобод» марказий стадионида ўтадиган бу томошада туман спортчилари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

**Д. САИТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

## ҲУЗУРИНИ КОРХОНА КЎРИБ, АЗОБИНИ АҲОЛИ ТОРТАДИМИ?

***«Бизнинг «Оққўрғон» жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи Картон ариғидан келаётган сув 1997 йилдан буён ачиб-сасиб, худди мағзавага ўхшаб оқади. Уни умуман истеъмол қилиб бўлмайди.***

***Ушбу ариқдан Учкўприк туманининг айрим хўжаликлари ва Бувайда туманининг «Оққўрғон», «Доимобод», «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликлари аҳолиси фойдаланади. Улар шу сувдан экинлар, чорва молларини суғоришади ва ичимлик сув сифатида фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Сув таркибида заҳарли чиқиндилар борлиги сабабли мевали дарахтлар, экинлар қуриб, ҳосил бермай қўймоқда.***

***А. Мамадалиев, А. Нажмиддинов, М. Ғафуров, Ҳ. Бойқўзиев, М. Абдуназаров, А. Турсунов, М. Мирзакаримов».***

Муштарийлар хатида кўтарилган бу муаммо ечимини топиш учун Бувайда туман санитария-эпидемиология станцияси, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг туман бўлими мутахассислари билан суви ифлос Картон ариқни кўргани бордик.

Дарҳақиқат, Катта Фарғона каналидан сув олувчи Картон ариғи Бувайда тумани хўжаликларига етиб боргунча қанчадан-қанча аҳоли истиқомат жойларидан, дала ҳовлиларидан ўтади. Унинг сувидан Учкўприк туманининг Ҳамза номли ширкати, Отажонов номли, «Учкўприк» жамоа хўжаликлари ва Бувайда туманининг «Оққўрғон», «Доимобод», «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликлари аҳолиси фойдаланишади. Сувдан бадбўй ҳид анқиб турибди.

Учкўприк тумани ҳудудига чегарадош Қақир қишлоғида Қўқон спирт ишлаб чиқариш заводи жойлашган. Бу корхона ишлаб чиқаришида фойдаланилган 6 минг куб метр чиқинди сув ҳар куни Картон ариғига оқизилмоқда. Корхона раҳбарларининг фикрича, оқова сув гўё чиркин ариққа оқизилиб юборилаётганмиш! Аслида эса оқова сув Ҳамза номли ширкатнинг Раҳматулла қишлоғигача ер остидаги ёпиқ қувурларда келиб, ўша ариққа қуйилмоқда. Бу сув Буйрак қишлоғига келганда уч жойдан Картон ариғига оқиб тушаяпти. Корхона оқова сувини бошқа жойга оқизиб юборишнинг иложи йўқми? Ҳозир у истеъмол сувига аралашиб кетмоқда. Даласи, ҳовлисидан ўша ариқ ўтган Буйрак қишлоқ фуқароларининг ҳасрати бир дунё. 4-бригада аъзоси Сорахон Ҳамдамова «Қишин-ёзин бу сувнинг сассиқ ҳидига чидаб бўлмайди, ҳовлида юришнинг иложи йўқ. Уй эшик, деразаларини ёпиб, ичкарида ўтирамиз. Уй-жойни ташлаб кетайлик, десам она қишлоқни кўз қиймайди. Шу сувдан ичган экинлар қовжираб қолмоқда», Сорахон опанинг фикрини эр-хотин Дўлтабой ва Офтобхон Умаровалар ҳам тасдиқлашди. 3-бригада бошлиғи Низомжон Ҳамроқуловнинг ҳасрати тўлиб-тошган.

— Шу сув оққан ариқда балиқ тугул, бақалар ҳам қирилиб кетди. Ёзда пашшалар ғужғон ўйнайди, сассиқ ҳидидан одам нафаси бўғилади, — дейди Ҳамроқулов, — кўп жойга шикоят ёздик, лекин натижаси кўринмади.

Спирт ишлаб чиқариш заводи раҳбарларининг аҳоли талаб-таклифларига беписанда қараётганликларини қандай тушуниш мумкин?! Корхона бош директори Дилшод Абдуллаев, ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Маманазар Тўхтаматов суҳбат чоғида «Биз Картон ариғи ифлосланаётганидан бехабармиз. Оқова сув ер ости қувурларида зарарсиз жойга чиқариб ташланмоқда», деб ўзларини оқлашга уриндилар. Наҳотки улар корхоналарида ҳар куни ишлаб чиқаришдан ташқарига чиқарилаётган 6 минг куб метр оқова сувнинг қаёққа ғойиб бўлаётганини билишмаса? Суҳбатдошларимиздан бири «ҳадеб қайғураверманглар, сув етти юмаласа ҳалол бўлади» деб шикоятчиларга таскин бермоққа уринди. Қаранг ҳатто оқил халқ мақолининг маъносини ҳам бузишмоқчи. Ахир у оби ҳаётнинг муқаддаслигига путур етказмаслик учун рамзий маънода айтилган. Зеро, ота-боболаримиз сувни муқаддас билишган. Ёшлик чоғларимизда оқин сувга тупурса, хас-чўп ташласа ёки ювинди ағдарса гуноҳи-азимлигини боболаримиз такрор-такрор айтишарди. Чунки у пайтларда одамлар тўғри келган ариқдан сув ичишаверган. Қишлоқларда ҳозир ҳам шу одатлар бор. Ариқларни кузатиб юрганимизда Ташат қишлоғида бир ўспирин бола Картон ариғида оқаётган сувдан молини суғорди, сўнг ўзи кўкракни ерга қўйиб сувдан ичди. У боланинг ошқозонига қанча микроб тушганини ким биладиди?!

### МУАММО ЕЧИМНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Буюк тиббиёт алломалари инсон танасининг тўртдан бир қисми сувдан иборат, бирор аъзонинг оғриши кўпинча ана шу мувозанатнинг ўзгаришидан бўлади, деб тушунтиришган. Дарҳақиқат, юқумли касалликлар инсон танасига кўпроқ сувдан ёки ҳаводан ўтади. Юқорида номлари қайд этиган қишлоқларда ошқозон-ичак, буйрак, жигар, сариқ касалликларининг келиб чиқишига, балки шу оқова сассиқ сув сабабчи бўлаётгандир?!

Спирт ишлаб чиқариш заводи маъмуриятининг чиқинди сувни зарарсизлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз, деган фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди. Айни чоғда корхонанинг оқова сувни тозалаш иншооти тўла қувват билан ишламаётир. Дастлаб корхонани қуриш лойиҳасида кўрсатилган тозалаш иншооти қурилмасдан қолдириб юборилган. Унинг ўрнига эски кимёвий заводнинг тозалаш иншоотидан фойдаланиш режалаштирилган. Мана, эндиликда эски қурилма янги корхонанинг технологиясига жавоб бермаяпти. Оқова сувлар яхши тозаланмаётир.

Корхонанинг Ҳамидахон Мамажонова мудирлик қилаётган тозалаш лабораторияси ҳам ёлчитиб ишламайди, чиқинди сувга газли хлор қўшишнинг имконияти йўқлиги сабабли порошок ҳолидаги хлор сепилади. Аммо бунинг чиқинди сувга таъсири борми ёки йўқми ўз вақтида, текшириб турилмайди. 4 февралдан то биз борган кунгача дафтарга таҳлиллар қайд этилмаган. Сувнинг бактериологик таҳлили бажарилмаяпти. Баклаборатория фақат Қўқон шаҳрида бўлиб, улар билан корхона шартнома тузмаган. Бактериологик текшириш қилинмайди. Санитария қонун-қоидалари бўйича чиқинди сув ҳар соатда лаборатория текширувидан ўтказиб турилиши шарт.

— Сув ва ҳавони булғатмасликнинг иложи борми? — деган саволга корхона ишлаб чиқариш раҳбарлари шундай жавоб беришди:

— Заводдан чиқаётган ташлама сувни ариқларга қўшмаслик чораларини қилиш учун керакли ишларни амалга ошириш тадбирлари кўрилади.

Бизнинг ниятимиз, таҳририятга шикоят ёзганлар орзуси ҳам ўша заҳарли сувни тозалаш иншоотида тўла зарарсизлантириш, оқовани аҳоли соғлиғига даҳлсиз бўлган жойга чиқариб ташлашни тезроқ ҳал этишдир. Ахир, тоза сув, мусаффо ҳаво ҳар сония ҳаммага зарур.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

